

**НПК-S (Ca, Mg, Fe) тўлиқ комплекс ўғит**  
**Ts 00203074-38:2018**

НПК-S (Ca, Mg, Fe) донадор шаклида тайёрланади, яхши физикавий ва кимёвий хусусиятларга эга: ёпишмайди, гигроскопик эмас ва сақлаш вақтида музламайди, токсик эмас, ёнғиндан ва портлашдан ҳавфсиз. НПК-S-ўғити, фосфат хом ашёсидан экстаркцион фосфор кислотаси асосида битта технологик жараёнда ишлаб чиқарилади. Ўз таркибида яхши эриш хусусиятига эга бўлган фосфат, азот – аммиакли формада, калий – калий хлор холатида мавжуд. Бошланғич азот-фосфор ўғити хом ашёси миқдорига қараб таркибида: моно- ва диаммоний фосфат, моно- ва дикальций фосфат, гидрофосфат, гидро аммоний фосфат, аммоний сульфат бўлиш эҳтимоли мавжуд.

**Физик-кимёвий кўрсаткичлари**

<b>Кўрсаткич номи</b>	<b>А маркаси</b>	<b>Б маркаси</b>	<b>В маркаси</b>
<b>1</b> Ташқи кўриниши	Турли ҳил рангларнинг оч тусларидаги гранулалар		
<b>2</b> Умумий азотнинг массавий улуши, N, %	9 ± 1	8 ± 1	7 ± 1
<b>3</b> Умумий фосфатларнинг массавий улуши, P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> , %	17 ± 1	32 ± 1	28 ± 1
<b>4</b> Калийнинг массавий улуши K <sub>2</sub> O да ҳисобланганда, %	17 ± 1	16 ± 1	14 ± 1
<b>5</b> Олтингургуртнинг массавий улуши, SO <sub>3</sub> да ҳисоблаганда, %	17 ± 1	3 ± 1	6 ± 1
<b>6</b> Кальцийнинг массавий улуши, CaO да ҳисоблаганда, %	10 ± 1	3 ± 1	6 ± 1
<b>7</b> Магнийнинг массавий улуши, MgO да ҳисоблаганда, камида, %	0,4	0,2	0,4
<b>8</b> Темирнинг массавий улуши, Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub> да ҳисоблаганда, камида, %	0,5	0,4	0,5
<b>9</b> Сувнинг масса улуши, кўпи билан, %	2	2	2
<b>10</b> 1 % ли эритма рН, камида, %	5,5	4,5	4,5
<b>11</b> Гранулометриқ таркиб:			
кўйидаги ўлчамли доначалар масса улуши:			
1 мм дан кичик, кўпи билан, %	10	10	10
1 мм дан 4 мм гача, камида, %	80	80	80
6 мм дан катта, %	йўқ	йўқ	йўқ
<b>12</b> Доналарнинг статик пишиқлиги, камида, МПа (kgf/cm <sup>2</sup> )	3	3	3
	30	30	30
<b>13</b> Сочилувчанлик, %	100	100	100

**Изох**

1 Фойдали модда масса улушларининг юқори чегараларини оширишга йўл қўйилади.

2 Чакана савдо учун мўлжалланган маҳсулот учун доналарнинг пишиқлиги ва сочилувчанлиги меъёрлаштирилмайди ва белгиланмайди.

**ҚўЛЛАНИШИ**

барча турдаги тупроқларда экинларни илдиз билан озиқлантириш учун физиологик нейтрал концентранган донадор азот-фосфорли ўғит сифатида.

**ТРАНСПОРТДА ТАШИШ**

қадоқланган – полиэтилен пакетлар, полипропилен, полиэтилен, қоғоз қоплар, контейнерлар ёки тўкма холда.

**ТАМҒАЛАШ**

босма равишда амалга оширилиб, босма иссиқ холда туширилади, штемпель ёрдамида ёки санчиб тешиш орқали амалга оширилади, шунингдек ёрлиқ қадоққа ва транспорт тарасига ёпиштирилади ёки хар бир қадоқнинг, хар бир транспорт тарасининг иккиламчи қадоғининг ичига солинади ёки истеъмолчи билан келишилган ҳолда тамғалашнинг бошқа усулларини қўлланилади.

**САҚЛАШ**

ёпиқ омборларда, атмосфера ёғинлари ва ер ости сувларининг кириши бундан мустасно.

Кафолатли сақлаш муддати, тўкма ҳолдаги НПК-S-ўғити учун - ишлаб чиқарилган кундан бошлаб 9 ой, қадоқланган НПК-S-ўғити учун кафолатли сақлаш муддати - ишлаб чиқарилган кундан 24 ой.

Яроқлилик муддати – чекланмаган.

Корхонада ISO 9001, ISO 14001, OHSAS 18001, ISO 50001, O'z DSt ISO 9001, O'z DSt ISO 14001, O'z DSt OHSAS 18001, O'z DSt ISO 50001 стандарт талабларига мувофиқ сифат менеджменти тизими ишлаб чиқилган, сертификатланган ва тадбиқ қилинган.

**Ўзбекистан 110100 Ташкент вилояти Олмалик шаҳар АО «Аммофос-Максам»**

**Факс: 70-613-31-32, 70-613-05-70**

**Дирекция телефони: 78-150-41-41, 70-613-31-32**

**Тижорат бўлими телефон рақами: 78-150-58-14, 70-613-05-70**

**Е-Mail: [info@ammofos-maxam.uz](mailto:info@ammofos-maxam.uz) [www.ammofos-maxam.uz](http://www.ammofos-maxam.uz)**

### **Кўллаш бўйича кўрсатмалар**

***NPК-S-ўғит*** юқори концентрацияланган самарали сувда эрувчан азот – фосфорли ўғит, турли ҳил тупроқларда барча турдаги экинларга ишлатилади, химояланган тупроқ шароитларида ишлатилиши мумкин, шунингдек хонаки ва балкон гулчилигида ишлатилади.

Ишлатиш дозаси:

- кузда ёки баҳорда ер қайта чопилганида 1 м<sup>2</sup> маданийлаштирилган тупроққа (15-20) г, (1,0-1,5 ош қошиғи) 1 м<sup>2</sup> маданийлаштирилмаган тупроққа (25-30) г (2 ош қошиқ);
- эрта баҳорда мевали дарахтларга таги юмшатирилганида кўчат остидаги чуқурчанинг 1 м<sup>2</sup> азотли ва калийли ўғитлар билан биргаликда (15-30) г (1-2 ош қошиқ);
- экинни экиш вақтида қаторларга 1 погонometrга (2-3) г (1/2 чой қошиғи) ва кўчатни экишда кўчат ости чуқурчасига (0,5-1,0) г (албатта тупроқни ўғит билан аралаштирган ҳолда);
- ўғитлаш – сабзавот, қулупнай, гул экинларига 1 м<sup>2</sup> га (4-5) г (1 чой қошиғи);
- буғхона ва иссиқхоналарда ер чопилганида 1 м<sup>2</sup> га (40-50) г, азотли ва калийли ўғитлар билан биргаликда.

Заҳарли эмас, ёнғиндан ва портлашдан хавфсиз.

Озиқ-овқат маҳсулотларидан бўлак, болалар ва жониворлардан узоқда, қуруқ жойларда сақланади.

Маҳсулот билан ишлагандан сўнг қўллар яхшилаб ювилади